

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

рўйхатга олинди  
№ БД **5140700 5.02**  
2019 йил « » \_\_\_\_\_

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ  
Р.И.Халмуродов \_\_\_\_\_  
“ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил

**Тиббий билим асослари**  
**фанининг**  
**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

БИЛИМ СОҲАСИ:  
ТАЪЛИМ СОҲАСИ:  
ТАЪЛИМ ЙУНАЛИШИ:

100000 ГУМАНИТАР СОҲА  
110000 ПЕДАГОГИКА  
**5140700 ГИДРОМЕТРОЛОГИЯ**

Самарқанд - 2019

ФАН ДАСТУРИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛТЕТИ КЕНГАШИДА КҮРИБ ЧИҚИЛГАН ВА ТАВСИЯ ҚИЛИНГАН (2019 ЙИЛ “17” ОЗ 10-СОНЛИ БАЁННОМА).

ФАКУЛТЕТ ДЕКАНИ:   
ДОЦ. Б.Б. КИПЧАКОВ

ФАН ДАСТУРИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

**ТУЗУВЧИЛАР:**

КОБИЛОВ Э.Э.

- САМДУ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛТЕТИ, СПОРТ ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ТИББИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ ПРОФЕССОРИ, ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ

ПАРМОНОВ Э.К.

- САМДУ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛТЕТИ, СПОРТ ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ТИББИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ ЎҚИТУВЧИСИ

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

БОБОМУРОДОВ Т.А.

- ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР

РАСУЛОВА М.И.

- ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР

ФАННИНГ ДАСТУРИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ КЕНГАШИННИНГ 2019 ЙИЛ “03” 07 АО-СОН МАЖЛИС БАЁНИ БИЛАН МАЪҚУЛЛАНГАН.

ЎҚУВ УСЛУБИЙ КЕНГАШ РАИСИ:



ПРОФ. А.С. СОЛЕЕВ

## **КИРИШ**

Тиббий билим асослари ва болалар соғлигини сақлаш бўйича ўқитиш нинг бўлғувси ўқитувчининг шахсини шакиллантиришдаги ахамияти. Тиббий билим асослари ва болалар соғлигини сақлаш дастурини олий ўкув юртлари да ўқитиш тартиби. Болалар ва катталар ўртасидаги жароҳатланиш ва касал ликнинг олдини олиш, уларни тиббий санитария жиҳатдан тарбиялаш ва соғлом ҳётни тастиқлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни парвариш қилишни таъминлашда тиббиёт ҳамширалари ва ўқитувчиларнинг роли. Талабаларни аҳоли ва ҳудутларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизими, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Вазирлар Махкамаси қарорларининг талаблари, шунингдек Фавқулотдда вазиятлар, ҳамда Олий ва Ўрта маҳсус таълим вазирликлари фармойишлари, кўрсатмалари, аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланишга ўргатишни ташкил этиш йўллари ва услу биятлари билан таништиришдан иборат.

## **ТИББИЙ ЁРДАМНИНГ АНАТОМИК ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ.**

Одам организмининг морфо-функционал асосларини билиш, келгусида ўрганадиган юриш-туриш реакцияларини ва клиник патологиясини тушу нишнинг пойдеворидир. Ҳар бир мавзуда болалар ёшига қараб ривожланиши нииг анатомик-физиологик хусусиятларини алоҳида ёритиш лозим. Бу бўлғувси ўқитувчига ўқувчиларни ўқитишда ва тарбиялашдà шахсий ёндошишни аниқлашга имкон беради. Инсон танасининг асосий қисмларини; скелет қисмларини; қўл суюклари ва оёқ суюкларини; умуртқа погонасининг қийшайиши норма ва патологияда; энг кўп суюк синиш жойлари; катта ва кичик қон айланиш доираси; пулс ўлчаш жоилари; Магистрал артерияларни суюкларга бармоқ ёрдамида сиқиши жойлари; нафас олиш тезлигини ва турини аиниқлаш; ички органларни жойлашиш тартиби; кўр ичак рефлекси; тери сезишини аниқлаш; болада текис товони аниқлаш ва профилактика усул ларини кўрсатиш. Хужайралар ва тўқималар. Организм - бир бутунлиги. Суюк-таянч системаси. Қон-томир ва лимфа системаси. Нафас олиш система си. Овқат ҳазм қилиш системаси. Эндокрин системаси. Модда ва энергия алмашинуви. Сийдик таносил системаси. Нерв системаси ва сезги органлари.

## **ДОРИШУНОСЛИК**

Дорилар ва дориворлар ашёси, доривор препаратларни ҳосил қилиш усул лари хақида умумий тушунча. Ўзбекистон Республикасидаги дорихона иш ларининг ташкил этилиши. Рецепт моҳияти ва шакли Дори-дармон шакил лари. Одам организмига дори моддаларнинг таъсири иситма туширадиган, оғриқсизлантирадиган ва нерв системасини тинчлантирадиган моддалар. Юрак-томир, томир кенгайтирадиган, бачадон ва қон кетишини тўхтатадиган дорилар.

## **БЕМОРЛАРНИ ВА ЗАҲАРЛАНГАНЛАРНИ УМУМИЙ ПАРВАРИШ ҚИЛИШ, БОЛАЛАРНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Талабаларни даволаш муассасалари ва уй шароитларида беморларни парвариш қилишга ўргатиш. Беморларни парвариш қилишнинг мохияти ва тиббий ҳамширанинг роли ва вазифалари. Беморларнипг шахсий покизалиги. Тана ҳарорати. пулс. ҚБ, нафас олиш, уларни аниқлаш услубияти ва баҳола ниши, Қон айланишига таъсирчан чоралар. Беморларнинг овқатланиши Овқат ҳазм қилиш ва сийдик таносил системаси касалликларини парвариш қилиш. Дори-дармонларнинг қўлланилиши. Соғлом ва касал болаларга қарашиболаларни овқатлантириш Беморларни транспортировка қилиш.

## **КАСАЛЛИК ВА ЗАҲАРЛАНИШДАГИ ШИФОКОРДАН ОЛДИНГИ ЁРДАМ**

Шифокордан олдинги ёрдамнинг мақсади ва вазифалари. Касаллик сабаблари, ривожи, аломатлари, синдром тушунчаси. Ички касалликларнинг ало матларини, радиацион заарланиш, заҳарли ва қаттиқ таъсир этувчи моддалар билан заҳарланишларни, заҳарли ўсимликлардан, илон ва ҳашоратлар заҳаридан ўткир заҳарланишларни ўрганиш. Уларни фавқулодда вазият ҳолатларида болаларга, шунингдек катталарга қарашиболаларни шошилинч ёрдамнинг амалий малакасини ҳосил қилишга, ҳамда баъзи патологик холатлар бўйича зарур билимларни ўргатиш. Дори-дармонларнинг хусусиятлари ва организма таъсири, уларни ножӯя таъсирлари тўғрисидаги умумий тасаввур ҳосил қилиш. Шифокордан олдинги ёрдам кўрсатишда дори моддалардан оқилона фойдалана билиш малакасини ҳосил қилиш. Ўз-ўзига ва ўзаро ёрдам бериш асослари, дастлабки тиббий ёрдам. Ўткир заҳарланишдаги шошилинч тиббий ёрдам. Нафас олиш аъзолари касалликлари. Юрак қон-томир системаси касалликлари. Овқат ҳазм қилиш, эндокрин ва моддалар алмашинуви системаси касалликлари. Сийдик таносил системаси касалликлари. Асаб-руҳият бузилиши. Гиёҳвандлик ва уни олдини олиш чора тадбирлари. Кучли таъсир қилувчи моддалар билан заҳарланиш.

## **ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР БОЛАЛАР ИНФЕКЦИЯЛАРИ**

Болалар ва катталарда юқумли касалликларнинг асосий белгиларини аниқлашга, беморларга зарур бўлган шифокордан олдинги ва шошилинч ёрдами кўрсатишга, уларни парвариш қилишга ва юқумли касалликларни олдини олишга ўргатиш. Эпидемия жараёни, эпидемия ўчоғи, уларни келиб чиқиши шароитлари ва сабаблари. Эпидемияга қарши курашнинг асосий тадбирлари тўғрисида тушунча. Вирус инфекциялари. Вирус турлари. ОИТС-кўзғатувчиси, юқиши йўллари, кечиши ва оқибати, профилактикаси. Болалар инфекциялари. Инфекцион жараён. Бактериологик ўчоғ. Ўта хавфли инфекциялар. Антронозооноз инфекциялар. Иммунитет ва эмлаш иши эпидемиология асослари. Нафас олиш йўллари инфекциялари. Қон инфекциялари. Ичак инфекциялари.

## **ЖАРРОХЛИК КАСАЛЛИКЛАРИДА ВА ЖАРОХАТЛАНИШЛАРДА ТИББИЙ ЁРДАМ**

Ўзбекистонда жаррохлик фанининг ривожланиши Жарохатланишнинг ҳар хил турларини, ўткир жаррохлик касалликларини аниклашга ва тўғри баҳолашга мактабларда, уй шароитида, Фавқулодда вазиятларда, манбаларда ва тиббий эвакуация босқичларида тиббий ҳамшира сифатида дастлабки ва шошилинч шифокордан олдинги ёрдамни қўрсатиш; жарохатланиш шунинг дек. болалар жарохатланишининг олдини олиш бўйича тарбиявий ишларни амалга ошириш, ҳамда заарланганлар ва жаррохликга оид bemорларни парва риш қилишда амалий кўнижмаларни ҳосил қилиш. Антисепти ка ва асептика. Десмургия. Транспорт иммобилизацияси. Оғриқсизлантириш. Реанимация асослари. Қон кетиши. Қон ва унинг ўрнини босувчиларни қўйиш. Шикастла нишлар. Травматик шок. Чўкишда ёрдам бериш. Ёпиқ шикастланишлар. Эзилиш синдроми. Очик шикастланишлар жарохатлар. Жаррохлик инфекция си. Куйиш, совук олдириш ва электр токи билан шикастланишларда тиббий ёрдам қўрсатиш. Суяклар синиши. Бош, бўйин, умуртка, шикастланиши. Кўк рак қафасининг шикастланиши. қорин ва чаноқнинг ўткир касалликлари. Комбинацияланган шикастланишлар.

### **ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ**

Ўзбекистон Республикасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Болалар ва ўсмирларнинг баркамол бўлиб ўсиши, она ва боланинг организмига ирсият ва атрофдаги муҳитнинг таъсири, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳақидаги билимлар асослари ни бериш, инсон соғлиги – шахсий ва ижтимоий бойлик тушунчасини шакллантириш. Болалар ва ўсмирлар соғлигининг аҳволи. Болалар касалликларини олдини олиш. Болалардаги сил ва тери касалликларини олдини олиш. Болалардаги руҳий-асаб бузилишлар.

### **ФУҚАРО МУХОФАЗАСИ ВА ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР**

Талабаларни турли фавқулодда вазиятларнинг умумий тавсифлари, кутилиши мумкин бўлган оқибатлари, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, талофатларни камайтириш ва фавқулодда вазият оқибатларини барта раф этиш тадбирлари билан таништириш. Олий ўқув юрти томонидан олиб бориладиган тадбирларини ҳисобга олган холда фуқаро муҳофазаси тизими ни ўрганиш. Талабаларда Ўзбекистон Миллий хавфсизлигини вазифалари мухимлиги, шунингдек, фавқулодда вазиятларда ўзига ўзи ва ўзаро биринчи тиббий ёрдам қўрсатишга маъсулият билан ёндошишни тарбиялаш. Талабаларга тинчлик ва харбий даврларда содир бўладиган фавқулодда вазиятлар шароитида тўғри ҳаракат қилишни, аҳолини муҳофаза қилиш усулларини ўргатиш. Фуқаро муҳофазасининг мақсад ва вазифалари. Аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг тиббий асоси. Фавқулодда вазиятларнинг таснифи. Эвакуация. Муҳофаза воситалари. Фавқулодда вазиятларда ўзига ва ўзаро тиббий ёрдам.

## **ТИББИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ. ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИ ЎРГАНИШ БҮЙИЧА УМУМИЙ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР.**

Университетлар ва педагогика институтларининг талабаларини тиббий билимлар асосларига ўргатиш, тиббиёт-гигиенаси жихатдан тарбиялаш, уларни фавқулотда вазиятлар ҳолатида тиббий ёрдам кўрсатишга, беморлар ва шикаслангандарга қараш бўйича амалий ишларни бажаришларига тайёрлаш, мактабларда тиббиёт гигиена ўқуви ва 1-9-синфлар ўқувчиларига хавфсиз ҳаёт ва фаолият асослари ва фуқаролар мудофаси бўйича дарс беришларига ўқитиш мазкур дастурнинг мақсадидир. Ўзлаштирилган тиббий билимлар бўлғувси ўқитувчи савиясининг кенгайишига, шахснинг шакиллантирилишига ва касбий даражаси масаласининг оширилишига ёрдам беради, шунингдек, ўқитишнинг жиддий муоммоларини хал этишда, болаларнинг соғлигини сақлаш ва уларни тарбиялашда, уларнинг ёшининг ва шахсий имкониятлари ни эътиборга олишда, унинг онгли тиббий-педагогик ёндашишига ҳамда ўз меҳнатининг мазмунини чуқур ўрганишига ва у билан кундаги ишини мустахкам илмий негизда кўришга ёрдам беради.

Тиббий билимлар асослари ва болаларнинг соғлигини сақлаш бўйича ўрганиш ўқув режаларига биноан икки ёки уч йил мобойнида амалга оширилади. Дастур бўйича дарслар барча талабалар (қизлар ва йигитлар) учун мажбурийдир, улар кундузги соатларда ташкил этилади ва ўтказилади, дарслар жадвалида улар учун бир кун ажратилади.

Берилган тартибда маҳаллий шароитларни ва олий ўқув юртида ўқити ладиган мутахассликни инобатга олган холда дарслар ўтилишининг шакли ва усули ўзгартирилиши, дастур бўлинмалари ўртасида, шунингдек, тасдиқланган ўқув соатлари қисман ва исботланган ҳолларда қайтадан тақсимланиши ва ўзгартирилиши мумкин.

Дастур маъruzалар ва амалий машғулотлар жихозланган аудитория ва хоналарда ўтказилиши, шунингдек, клиника амалиёти болалар даволаш муасасаларида ва гўдаклар уйларида ўтказилиши кўзда тутилган. кафедра маслаҳатларни, якка тартибда ва алохидаги машғулотларни ташкил этади.

Дастурнинг барча бўлинмалари бўйича маъruzалар олий ўқув юртида 25-50 кишидан ташкил топган гурухлар учун ўтказилади, амалий машғулотлар 25-30 кишидан ташкил топган гурухлар учун ўтказилади, (лабаратория амалиёти) – гурухларнинг ярми 10-12 кишидан иборат гурухлар учун ўтказилади. Маъruzалар ҳамда амалий машғулотлар олий тиббий (шифокор) маълумотига эга бўлган штатдаги муаллимлар томонидан ўтказилади.

### **Раҳбарлик адабиёти**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз Т: Ўзбекистон 2008

2. Каримов И.А. Соғлом авлод учун Т: Ўзбекистон 1993

**Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар**

1. Беморларни уйда ва шифохонада парвариш қилиш. Ф.Ф. Назиров.  
Тошкент-2011
2. Одам анатомияси. Э.Қодиров. Тошкент-2003
4. Хамширалик иши асослари. Қ.Иномов. Тошкент-2007
5. Хирургия ва реанимация асослари А.Ж.Хамраев. Тошкент-2002
6. Болалар касалликлари А.Н. Бурая. Тошкент-2000.
7. Клиникагача бўлган хирургия. Р.М.Ахмедов Тошкент-2001
8. Первая медицинская помощь в чрезвычайных ситуациях. Э.Икрамов  
Тошкент-2003
9. Хаммабоб тиббиёт қўлланмаси. Автор. Давид. Вернер. Тошкент. 2012й.
10. Фавқулодда вазиятларда тиббий хизмат. Ў. Хасанов Тошкент. 2006й.
11. Юқумли касалликлар эпидемиологияси ва паразитологияси. Е.И.  
Мусабоев. Тошкент 2010й.
12. Фавқулотда вазиятлар учун тиббий хамширалар тайёрлаш.  
Р.Рамазонова. Х.Содикова. Тошкент 2006й.
13. Ички касалликлар 2012й.

**Қўшимча адабиётлар.**

1. Медицина ҳамшираси справочники. Н.Р. Палеев. Тошкент-1989
2. Современный справочник мед.сестры. Н.Б.Содикова Минск-2002
3. Атлас. 1-2 том. Н.К. Ахмедов Тошкент-2005
4. Саломатлик энциклопедияси Тошкент-2000
5. Жаррохлик ва реанимация асосларида ҳамширалик иши Тошкент-2003
6. Й.Содикова “Соғлом турмуш тарзини шакллантириш” ўқув қўлланма  
2007 й.
7. Курс гражданской защиты. В.Ф.Зубков Тошкент-2004
8. Она ва бола. Н.Рахимова. Тошкент 2012

**Электрон ресурслар.**

- |   |   |
|---|---|
| 1. <a href="http://www.bilim.uz">www.bilim.uz</a> .     | - ОЎМТВ сайти   |
| 2. <a href="http://www.ziyo.edu.uz">www.ziyo.edu.uz</a> | - ОЎМТВ сайти   |
| 3. <a href="http://www.ziyo.net.uz">www.ziyo.net.uz</a> | - ОЎМТВ сайти   |
| 4. <a href="http://www.mintrud.uz">www.mintrud.uz</a>   | - Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза<br>қилиш вазирлиги сайти. |
| 5. <a href="http://www.minzdrav.uz">www.minzdrav.uz</a> | - Соғлиқни сақлаш вазирлиги сайти.                              |
| 6. <a href="http://www.mchs.gov.uz">www.mchs.gov.uz</a> | - Фавқулодда вазиятлар вазирлиги сайти.                         |
| 7. <a href="http://www.uznature.uz">www.uznature.uz</a> | - Табиатни муҳофаза қилиш Давлат<br>қўмитаси сайти.             |